



Амир Хусайн Мовароуннахр тахти учун асосий даъвогар бўлиб турган бир дамда унга ишончли суянчик лозим бўлган ва бундай номга барлос уругидан бўлган Тарагай Баходирнинг ўгли Темур энг муносиб номзод сифатида эътироф этилган. Икки ўртадаги иттифокни мустахкамлаш учун никоҳ энг макбул чора ҳисобланган. Темур ва Амир Хусайн иттифокини мустахкамлашга амирнинг синглиси Ўлжой Туркон ога сабабчи бўлган.

Энг муносиб кўёв

Бу иттифокнинг келажаги порлок бўлишини Мовароуннахр ҳукмдори, Амир Козагон олдиндан кўра билган. Бунга бир катор ходисалар замин яратган. Хирот амири Малик Хусайн Мовароуннахр тахтини амир Козагондан тортиб олиш умидида Самарканд томон юриш бошлаган. Амир Козагон Нурмушк огага уйланаётган Темурни бошка беку ноиблари каторида хизматига чорлаган. Малик Хусайн ва Козагон орасидаги киргинбарот жангда Темур ўзини намоён этган. Урушдан сўнг Амир Козагон ўз набираси Амир Хусайнни Хирот ҳокими этиб тайинлаган, Темур эса Кешга кайтиб тўйини давом эттирган. Саккиз

ой ўтиб Малик Хусайннинг укаси Амир Бакара Хиротда исён кўтарган ва Амир Хусайнни зиндонга ташлатиб, ўзи тахтни эгаллаган. Амир Козагон вазиятни тиклашни Темурга топширган ва у уч минг кўшин билан зиммасига юклатилган вазифани аъло даражада адо этган. Бундан кўнгли тогдек кўтарилган Амир Козагон Темурни илик кутиб олган ва барча саркардалари олдида Тарагай Баходирнинг ўглига суюкли набираси - Ўлжой Турконни никохлаб берган. Набирасига сеп сифатида йигирма уюр туя, от ҳамда қирк отар кўй кўшиб берган. Бундан ташқари, тўйга совга-салом сифатида кимматбаҳо гиламлар, уй-рўзгор анжомлари ва бошқа нодир буюмлар тухфа этилган. Амир Хусайн эса синглисига, тилла зеб-зийнатлар ҳадя қилган. Козагоннинг севимли куёвига айланган Темур Мовароуннахр ҳукмдорини бир неча бор хавф-хатардан саклаб қолган ва бунинг эвазига Козагон барлос уругидан бўлган бекни Шибиргон шахрининг ҳокими этиб тайинлаган. Шу тарика хали ўттиз ёшга тўлмаган Темур кўп нарасага эришган: ҳукмдорнинг набирасига уйланган ва яққа ўзи шаҳарни бошқара туриб, давлатни юритиш ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлган.

Етти кечаю етти кундуз давом этган тўй

Ўлжой Туркон оғанинг қадди-қомати расо, қорачадан қелган, қиприқлари узун, қўзлари эса тим қора бўлган. Темурнинг ҳарбий зафарлари хусусидаги гаплар Ўлжой Турконнинг ҳам қулогига етиб борган ва у оғасининг Сароймулкхонимга уйланганида иштирок этган Темурни кўрган, лекин унга турмушга чиқиши кизнинг ҳаёлига қелмаган. Темур ва Ўлжойнинг тўйига Козагоннинг барча амиру беклари ташриф буюришган. Тўй бир ҳафта давом этган. Орадан бир йил ўтиб, Темур хонадонида ўғил -Умар Шайх дунёга қелган. «Бир томонда оғам, бир томонда турмуш ўртоғим...» Қутилмаганда Мовароуннахр ички низолар майдонига айланган. Бунга кекса Амир Козагоннинг шикорда фитна сабаб қатл этилиши замин яратган. Бу фитнанинг ортида мўғул хони Туглук Темур турган. Козагоннинг ўғли - Мирзо Абдуллох ҳокимиятни бошқаришга укуви бўлмаган ва саройни ишратхонага айлантирган. Бунинг оқибатида маҳаллий бек ва амирлар унга қарши исён кўтаришган ва маишатпараст Абдуллох Хиротга қочиб, умрининг охиригача ўша ерда яшаган. Бўшаб қолган тахт учун хон ва амирлар ўзаро қураш олиб боришган. Улар орасида Амир Хусайн ва Шибиргон ҳокими Темур ҳам бўлган. Бу иккала амирнинг ниятидан хабардор бўлган беклар уларни бир-бирига қарши қайрашган. Бу миш-мишлар ва фиску-фасоддан энг кўп Ўлжой Туркон азият чеккан. Тарозининг бир палласида оғаси, иккинчисида севимли эри турган. Уларнинг иккиси ҳам ҳолис ҳакам сифатида Ўлжойга мурожаат этишган. Бу борада Темурга омад қулиб қолган. У навихол завжасининг ақли ва фаросатига таяниб иш кўрган. Хон оиласида тарбияланган бу аёл кўпчилиқни таниган ва уларнинг феъл-атвори ҳамда насл-насаби (тахт учун қурашда бу қатта аҳамият қасб этган) тўғрисида эрига қимматли маълумотларни етказиш баробарида Темурга у ёки бу зодагон билан қандай муомала қилишда маслаҳатлар бериб турган.

Икки хукмдорни бирлаштирган сингил

Икки ўртадаги келишмовчилик Темурнинг мўгул хони Туглук Темур хизматига ўтгач, тобора кескинлашган. Туглукхон Мовароуннахрни Мўгулистон таркибига қўшиб олиш учун юз минглик қўшин билан бостириб келган. Темур ўша пайтда Самарканд ҳокими бўлган бўлса-да, хоннинг кўп сонли қўшинига қарши чиқа олмаган. Амирлар ёвга қарши иттифок тузишдан бош тортишган ва ҳар бири таркок тарзда ўзига бириктирилган жойни бошқаришни афзал деб билган. Туглук Темурга қарши урушда енгилишига қўзи етган Темурнинг мўгул хонига таслим бўлишдан ўзга чораси қолмаган. У шу ҳаракати билан Мовароуннахрнинг талон-тарож бўлишининг олдини олган. Энг ахамиятли томони, Туглук Темур Мовароуннахрни ўзининг номидан бошқариш ҳукукини Амир Темурга берган. Ўлжой Туркон эрининг бу хатти-ҳаракатини оғасига тушунтириб, уларни яраштиришга уринган ва уринишлари самара берган. Амир Хусайн ва Темур мўгулларни ватандан қувиб чиқариш учун бир туг остида бирлашишган. Ҳарбий юришлар асносида Темур биринчи хотини Нурмушк оға билан ўгли Жаҳонгирни Қаршига, иккинчи хотини Ўлжой билан Умар Шайхни Бухоро яқинида катта кўргони бўлган тоғаси Абдулла мерганниқига юборган. Дастлабки юришларда иттифокдошларга омад қулиб қолган, кейин тарих зарваракларида «Лой жанги» номи остида киритилган жангда Амир Хусайн ва Амир Темур қасдаткич зарбага дуч келишган. Бунга ягона лашкарбошининг йўқлиги ва Амир Хусайннинг Темур айтган маслаҳатларга қулоқ солишни истамагани сабаб бўлган. Мағлубиятдан сўнг Темур ва Хусайн ўртасидаги иттифок барҳам топган.

Сохибкироннинг обрўсини оширган малика

Бирок бу жангдаги ғалабадан мўгуллар ҳеч нарса ютишмаган. Самарканд аҳли она шаҳарларини душмандан ҳимоя қилиш учун оёққа турган. Уларга сарбадорлар раҳнамолик қилишган. Ҳокимиятни қўлга олган сарбадорлар беклар ва амалдорларнинг мулкни талонторож қилишга қиришган оломонни тўхтатиб қилишган. Самарканд ҳокими ва Амир Темурнинг қуёви Довуд Барлос қайноғаси билан Қешдалигида унинг қалъасига тажовуз бошланган. Қалъада фақат Темурнинг синглиси Қутлуг Туркон оғанинги ўзи бўлган. Сарбадорлар етакчиси Мавлонозода оломонни амир Довуд Барлоснинг қалъасини ҳонавайрон қилишдан сақлаб қолган. Орадан қисқа вақт ўтиб, Темур ва Хусайн шаҳар остонасида пайдо бўлишган ва сарбадорларнинг пешволарини ёлгон эвазига қўлга туширишган. Сарбадорларнинг етакчилари қатл этилган. Амир Темур хотинининг маслаҳатига қулоқ тутган ҳолда қатл ишларидан нарида турган. Темур синглисининг ҳонадонини талончиликдан асраган Мавлонозоданинги ҳаётини сақлаб қолган. Бу ҳолат Темурнинг эл орасидаги обрўсига обрў қўшган.

Ё мухаббат, ё ришта...

Ўлжой Туркон эрига яна бир марта якиндан ёрдам берган. Факат бу гал маслахати билан эмас. Гап шундаки, Амир Хусайн Мовароуннахр тахтига яна бир одим якинлашиш учун мўгул маликасига уйланмокчи бўлган, лекин бу истакни рўёбга чикариш учун катта маблаг зарур бўлган. Амир Хусайн мўгулларга қарши урушда катта талафот кўрганини рўқач қилиб, мамлакат аҳолисига катта солиқ солган. Солиқни йиғиш вазифаси Темурнинг куёви Довуд Барлос зиммасига юклатилган. Куёви солиқни тўплай олмаслигини билган Темур бу муаммонинг ечимини излай бошлаган. Ечимни топишда Ўлжой Туркон жонбозлик кўрсатган. У Кутлуг Туркон ога ҳамда унинг эрига ёрдам бериш учун бор зеб-зийнатлари, шу жумладан, Амир Хусайннинг ўзи тортик қилган тақинчоқларни ҳам Темурга топширган. Ўлжой Турконнинг фикрига Нурмушқ ога ҳам қўшилган. Амир Темур тақинчоқларни куёвига берган. Темур агар Амир Хусайн бу тақинчоқлар синглисиники эканлигини билса, фикридан қайтар деб умид қилган, бироқ очкўз Амир Хусайн буни билса ҳам ўзини билмаганга олган. Амир ва унинг хо-тинлари амалга оширган тadbир Самарқанд халкида Темурга нисбатан илиқлик уйғотган, Амир Хусайннинг обрўси эса тушиб бор-ган. Шундай кунларнинг бирида Темур кизлик бўлди ва унга Сул-тон Бахт Бегим деб исм қўйишди.

Амир Хусайн ўз синглисининг қотилими? Бироқ кизалокнинг тугилиши Амир Хусайнни инсофга чақирмади, аксинча уни газаб отига миндирди. У Темурни синглисига зугум қилаяпти, деб ўйлаган ва тақинчоқларини топширишга эри мажбур қилган деган хулосага келган. У синглиси ва жиянларини саройга тақлиф этган. Синглисини ўзи томонда деб ўйлаган Хусайн куёвига қарши фитна уюштиришни кўзлаган. Дастлаб у режалари ҳақида ҳеч нарса демаган, лекин кунлар ўтиши билан Ўлжой Турконни ўзи томон оғдиришга уринган. Эрининг қарорларини оғаси нотўғри тушунганлигини англаган Ўлжой Темурни бошқача йўл тутишга ундаган вазиятларни Амирга тушунтиришга ҳаракат қилган. Ўлжой Туркон ҳар қанча уринмасин, оғасини фикридан қайтара олмаган. Натижада Ўлжойнинг ҳеч нарса демай, уйга кетишга ҳозирлик қўришдан бошқа чораси қолмаган. Хусайн синглисига Темурга оғу беришни маслаҳат берган. Ўлжой оғасининг илтимосини рад этган ва йўлга тушган. Ўлжой олти ёшли ўғли Умар Шайх ва бир ёшли кизи Султон Бахт Бегим ҳамда оғаси бириктирган хизматкорлар ҳамроҳлигида йўлга чиққан. Амир Хусайн синглисини сотиб қўйишидан кўркиб, Ўлжойни ўлдиртирган. Синглисининг ўлимида Амир Хусайннинг қўли борлигини тасдиқловчи далил йўқ, лекин унинг беайблиги ҳам исботланмаган. Умар Шайх онасининг ўлими учун тоғаси - Амир Хусайндан қасос олишган урингани тўғрисида маълумотлар бор. Буни қарангки, Балх шаҳрини бошқараётган Амир Хусайн қўшинининг тор-мор қелтирилишида Умар Шайх Мирзо етакчи бўлган. Бу қонли жангда Хусайн билан бирга унинг икки ўғли ҳам ҳалок бўлган.

Ўлжой Туркон ога икки ўт орасидаги қиска умри мана шундан иборат. У эрига содиқ қолиш учун ўлим билан юзма-юз қелган ана шундай қаҳрамон аёл бўлган.

Рустам Нур тайёрлади. (Бекажон)